

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК 371:672.15.7

Файзуллаева Камола Сайфутдин қизи

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ
(Тошкент Иқтисодиёт коллежи ўқув жараёни мисолида)**

5A111001 - “Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт)”

МАГИСТР

**академик даражасини олиш учун ёзилган
Диссертация**

Илмий раҳбар: пс. ф.н., доцент Н. Лутфуллаева

Тошкент – 2019


Ушбу магистрлик диссертация иши бугунги кунда энг долзарб ҳисобланган бўлажак касб таълими ўқитувчиларини методик тайёргарлигини такомиллаштириш самарадорлигини аниқлашга қаратилган. Унда ўқитувчиларни касб маҳоратини оширишда ўқув - методик ишларни ташкиллаштириш зарурати, ўқув - тарбия жараёнини ташкиллаштиришда ўқитувчининг методик иши ва унга қўйилган касбий талаблар ҳамда ўқув - тарбия жараёнидаги методик ишларнинг тузилиши ва мазмуни ўрганилган. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

The novelty of this master's thesis is the substantiation of the proposed theoretical and practical recommendations for further development of the economic, organizational and legal basis of the institutional framework for the development of the competitive environment in the market of Public Procurement, and they are manifested in the following: the essence of the market of Public Procurement and its role in the national economy system, the importance of the competition development of Commodity Exchange of Uzbekistan in the market of Public Procurement, conclusions and prospects of the Commodity Exchange have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Касб таълими (иқтисодиёт)” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган 1 -сонли баённома “ 3 ” 06 2019 й.

Илмий раҳбар: пс. ф.н., доцент Н. Лутфуллаева

Магистр: К.Файзуллаева


ИМЗО

ИМЗО

25.06.2019

сана

25.06.2019

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Касб таълими (иқтисодиёт)” кафедраси мудири

доц.А. А. Исламов


“25” 06 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “28” июли соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	<u>4</u>
БОБ.	БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ- ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	<u>11</u>
1.1.	Ўқитувчиларни касб маҳоратини оширишда ўқув - методик ишларни ташкиллаштириш зарурати.....	<u>11</u>
1.2.	Ўқув - тарбия жараёнини ташкиллаштиришда ўқитувчининг методик иши ва унга қўйилган касбий талаблар.....	<u>20</u>
1.3.	Ўқув - тарбия жараёнидаги методик ишларнинг тузилиши ва мазмун.....	<u>25</u>
	1 - боб бўйича хулоса.....	<u>31</u>
II БОБ.	БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛАРИ.....	<u>33</u>
2.1.	Методик тайёргарликни такомиллаштириш самарадорлигини оширишда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муҳимлиги.....	<u>33</u>
2.2.	Ўқув - методик ишларни ташкил этиш мазмуни.....	<u>47</u>
2.3.	Ўқувчиларни ижодий фаоллигини таъминловчи инновацион ўқитиш технологияси.....	<u>53</u>
	2- боб бўйича хулоса.....	<u>72</u>
III БОБ.	ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА - СИНОВ ИШЛАРИ.....	<u>74</u>
3.1.	Педагогик тажриба - синов ишининг мазмуни ва методикаси...	<u>74</u>
3.2.	Педагогик тажриба - синов ишларини ўтказилиши ва натижалар таҳлили.....	<u>78</u>
	ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	<u>81</u>
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	<u>84</u>
	ИЛОВАЛАР.....	<u>90</u>

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатнинг ўрни ва аҳамияти кўп жиҳатдан таълимнинг сифати билан тавсифланади. Миллатнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳозирги жамият барқарор ва қизгин ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Таълимнинг сифати эса уни молиялаштириш ҳажмлари билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим соҳаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, “Халқимизда “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади”-деб таъкидланди¹.

Шу билан бирга, инсон капиталига эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш зарурлигини кўрсатиб, шу йўлдаги муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга этказилиши таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун, барча шароитларни яратиш лозимлиги ва хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиб, Олий таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.